Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-YIL • 6-MART • YAKSHANBA • 27 (27.362) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

МУҲТАРАМА ОНАХОНЛАР, ҚАДРЛИ ОПА-СИНГИЛЛАР,

ИҚБОЛИНГИЗ БАЛАНД, УМРИНГИЗ УЗОҚ, РИЗҚУ НАСИБАНГИЗ ЗИЁДА БЎЛСИН!

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчангизни 8 март — Хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан самимий қутлаб, сизларга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Бу байрам юртимизга ҳар йили баҳор фаслининг илк даракчиси каби кириб келади ва биз уни Меҳр-муҳаббат, нафосат айёми сифатида шоду хуррамлик билан нишонлаймиз. Ва шу байрам тимсолида Баҳор ва Аёл тушунчаларининг нақадар уйғун эканини, бир-бирини нечоғли маъномазмун билан тўлдиришини яна бир карра англаймиз, дилдан ҳис этамиз.

Агар мендан, бу ҳаётнинг гўзаллиги ва бетакрорлиги нимада, деб сўралса, ҳеч иккиланмасдан, Яратганнинг бекиёс мўъжизаси бўлмиш сиз меҳрибон аёлларимизнинг назокатида, вафо ва садоқатида, сизларнинг сиймонгиздан таралиб турадиган нур ва эзгуликда, мунис оналаримизнинг қалб саховатида, деб жавоб берган бўлардим.

Азиз опа-сингилларим, аввало, сизларнинг чексиз сабр-бардошингиз, сеҳрли қўлларингиз, тинимсиз меҳнатингиз ва ҳаракатларингиз билан хонадонларимиз обод, кўнгилларимиз шод. Фарзандини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказадиган, дилбанди учун жонини ҳам аямайдиган, ҳаёт давомийлигини асраб келаётган сиз, қадрдонларимизнинг ҳар бир кунингиз том маънодаги фидойилик намунасидир.

Бугун мамлакатимиз ҳаётининг қайси томонини олмайлик — оддий оиланинг рўзғорини тебратишдан тортиб давлат ва жамият қурилишигача, иқтисодиётни ривожлантиришдан тортиб соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маданият ва илм-фан тараққиётигача — бу соҳаларнинг барчасини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳозирги кунда янгиланиш ва юксалиш йўлидан бораётган Ўзбекистонимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ва унинг самарасини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин. Аёлларимизнинг кичик бизнес, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида, демократик жараёнларда, нодавлат ташкилотлар фаолиятидаги роли ва ҳиссаси тобора ортаётгани барчамизни қувонтиради.

Шулар қаторида опа-сингилларимиз табиатнинг ўзи ато этган мураббийлик ва тарбиячилик фазилатларини, ақл-заковат ва ғайрат-шижоатини намоён этиб, хонадонларимизда, маҳалла ва меҳнат жамоаларида, бутун жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни комил инсон қилиб тарбиялаш, уларни осуда ҳаётимизга таҳдид солаётган турли хавф-хатарлардан асраш борасида жон куйдириб меҳнат қилаётганлари айниқса таҳсинга сазовор.

Шу билан бирга, биз қонунчилигимизда, қабул қилинаётган фармон ва қарорларда аёллар учун белгилаб берилган имконият ва имтиёзларни, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш учун жойларда ҳали жуда кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам яхши тасаввур этамиз.

Бу ҳақда гапирганда, фақат аёл зоти бажара оладиган ишлар — бу хоҳ оилавий юмушлар, фарзанд тарбияси бўлсин, хоҳ даладаги меҳнат, хизматдаги вазифа бўлсин — ана шу меҳнатнинг қадрига етиш, уни муносиб баҳолаш, турли минбарлардан аёллар шаънига айтиладиган чиройли гапларни амалда рўёбга чиқариш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш айни муддао бўларди.

Шу мақсадда оилаларнинг даромадини кўпайтириш, ижтимоий масалалар — аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги уй-жойлар қуриш, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш борасида амалга ошираётган барча ишларимизни шу йўлдаги энг муҳим вазифалар, деб қабул қилишимиз зарур.

Азизларим, сизларни яна бир бор зеболик ва нафосат байрамингиз билан муборакбод этаман.

Бугунги байрам шодиёнасида сиз, муҳтарама аёлларимизнинг фидойи қалбингиз, беминнат меҳру муҳаббатингиз учун ҳар қанча ташаккур айтсак, ҳар қанча таъзим қилсак, арзийди.

Иқболингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Бахтимизга доимо омон бўлинг, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҚУЁШДЕК МУНАВВАР, БАҲОРДЕК ЛАТОФАТЛИ

Ҳар қандай жамиятнинг нуфузи кўп жиҳатдан аёлларга эътибор ва ғамхўрлик билан белгиланади. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк йилларидан хотин-қизларнинг мавқеини юксалтириш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган буюк бунёдкорлик ишларида, ҳаётнинг турли жабҳаларида қўлга киритилаётган улкан муваффақиятларда, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда жамиятимиз кўрки ва таянчи бўлган фидойи аёлларимизнинг салмоқли улуши бор.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 5 март куни Хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова аёлларнинг давлат қурилиши соҳасидаги фаол иштирокини таъминлаш, Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида маъруза қилди. Яқинда бўлиб ўтган сайловда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга аёллардан сайланган депутатларнинг аввалги сайловларга нисбатан икки ярим баробар кўплиги мамлакатимизда хотин-қизларга нисбатан юксак эътиборнинг яна бир намойиши бўлди.

Илм-фан, маданият ва санъат каби соҳаларда барчага намуна бўлаётган истеъдодли қизлар учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис қилинган. Анъанага кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги энг иқтидорли ва фаол ўн тўрт нафар қизга ана шу Давлат мукофоти тантанали топширилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Э.Воҳидов аёлларимизни гўзаллик ва баҳор байрами билан қутлади.

Йиғилишда сўзга чиққан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, Нукус шаҳридаги санъат коллежи талабаси Гулбаҳор Ахимбетова, Фарғона давлат университети талабаси Наргиза Охунова мамлакатимизда хотин-қизларга, айниқса, истеъдодли ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиром учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Кеча санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта концерт дастури билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг спикери Э.Халилов, Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 март куни Оқсаройда «Фридом Хауз» ноҳукумат ташкилотининг мамлакатимиздаги вакили Мария Северни қабул қилди

«Фридом Хауз» инсон ҳуқуқлари ҳимоясига ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилот сифатида юртимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда, — деди Президентимиз. — Бу ерда амалга оширган қатор лойиҳаларингиз Ўзбекистон жамоатчилигига яхши маълум. Мамлакатимизда ўтган парламент сайлови арафасида бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир тарғиботига бағишланган халқаро конференция ва семинарларда ҳам ташкилотингиз вакиллари фаол қатнашганидан мамнунмиз.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, шу жумладан, демократияни янада мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш борасидаги изчил саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг мутлақо янги концепцияси жорий этилди. Судларнинг ихтисослашуви амалга оширилди. Жиноят қонунчилигини эркинлаштириш юзасидан муҳим чора-тадбирлар жорий этилмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган эзгу ишларни амалга оширишда Ўзбекистон халқаро ташкилотлар, жумладан, «Фридом Хауз» ташкилоти билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мазкур ташкилот томонидан юртимиздаги инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланувчи ташкилотларга кўмак бериш ва уларнинг вакилларини ўқитиш мақсадида Тошкент ва Наманганда Ресурс-ахборот марказлари очилди. Айни пайтда республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда махсус дастурлар бўйича иш олиб борилмоқда.

Мария Север хоним самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди. АҚШнинг «Фридом Хауз» ташкилоти Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан амалий мулоқотга катта эътибор қаратаётганини қайд этди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

ЭКИНЛАРНИ ПАЙҲОН ҚИЛИШГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилишга қарши кўрилаётган кураш чоралари яхши самара бермаяпти. Экинларнинг пайҳондан асрашни таъминлашга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фермерлар, деҳқонлар ва бошқа ердан фойдаланувчиларни жалб қилишга етарли эътибор қаратилмаяпти. Натижада экинларни пайҳон қилиш ҳоллари ҳамон учрамоқда, бу эса ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилининг катта исроф бўлишига олиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш ва бундай ҳолатларга барҳам бериш, кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳамда тегишли идоралар раҳбарлари масъулиятини кучайтириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари томонидан экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар қониқарсиз деб топилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

бир ҳафта муддатда бошоқли ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш ва бундай ҳолатларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар ишлаб чиқсин;

жойларда қишлоқ хўжалиги экин майдонларини пайҳон қилиш ва исрофгарчиликдан асраш бўйича комплекс ишларни амалга оширсин;

пайҳон қилиш ҳоллари нисбатан кўп учрайдиган жойларда ердан фойдаланувчиларни жалб қилган ҳолда кузатув постлари ташкил этсин. Дала қоровуллари ишининг самарадорлигини оширсин;

экин майдонларида мол боқишга, автотранспорт воситалари ва қишлоқ хўжалиги техникасида юриш ҳамда экинларнинг пайҳон бўлишига олиб келадиган бошқа қоидабузарликларга қарши курашни кучайтирсин;

чорва моллари фақат махсус ажратилган жойларда боқилишини таъминласин, экин майдонлари четларида мол боқишни қатъий тақиқласин;

пайҳон қилиш ҳоллари аниқланганда мол эгаси, автотранспорт, қишлоқ хўжалиги техникаси ёки пайҳонга сабаб бўлган бошқа воситаларни аниқлаш юзасидан тезкор чора-тадбирлар кўрсин, уларга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган жавобгарлик чораларини қўллаш учун тегишли органларга материалларни тақдим этсин.

Хўжаликлар раҳбарлари ички ишлар органлари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик кучи билан ҳамкорликда пайҳон ҳолларини аниқлаш ва бундай қоидабузарликларнинг олдини олишга қаратилган мунтазам рейдлар ўтказиш бўйича амалий чоралар кўрсин.

3. Республика «Маҳалла» жамғармаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари билан бирга:

уй ҳайвонлари қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилишининг олдини олиш бўйича тушунтириш ва профилактика чора-тадбирлари мажмуининг амалга оширилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилиниши ҳолларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга маҳалла фаолларини кенг жалб қилсин ва уларнинг имкониятларидан фойдалансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, пайҳон жойида ушланган моллар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширилади ва унинг эгасига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий чоралар кўрилганидан ва келтирилган зарар тўлиқ қопланганидан кейингина эгасига қайтарилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов):

экинлар пайҳон қилинишининг олдини олиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрсин, профилактика ишларини олиб бориш учун тегишли постлар ташкил этсин, ҳар бир пайҳон ҳолати юзасидан айбдор шахсларга нисбатан амалдаги қонунчиликка мувофиқ қатъий жавобгарлик чораларини қўлласин;

амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) экинларнинг сақланишини таъминлаш учун зарур чоралар кўрмаган ва пайҳонгарчиликка йўл қўйган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжаликлар ва уларнинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарларини қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Б.Мустафоев) Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда экинлар пайҳон қилингани учун жавобгарлик тўғрисидаги амалдаги қонунчиликни тартиб қилиш бўйича кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

8. Ўзтелерадиокомпания (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов) ва бошқа оммавий ахборот воситалари қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш, экинлар пайҳонгарчилиги ва нобудгарчилигига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг матбуот, радио ва телевидениеда мунтазам ёритилишини таъминласин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 5 март

Суратда: Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларидан бир гуруҳи. **Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.**

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА — ЯНГИ WEB-САЙТ

Жаҳон Интернет тармоғида мамлакатимизнинг Интернет ҳамжамияти етакчи мутахассислари иштирокида ўзбек, рус ва инглиз тилида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Web-сайтининг янги версияси очилди

Бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш йўлида фаол сиёсат юритиб, иқтисодиёт, илм-фан, таълим соҳаси ва ахборот алмашиш борасида дунё халқлари билан ўзаро самарали ҳамкорликни тобора мустаҳкамламоқда. Юртимизнинг жадал ривожланаётган давлат сифатида жаҳонаро обрўси тобора юксалмоқда.

Интернет — глобал ахборот тизими — жаҳон ахборот узатиш воситаси ва ахборот тарқатишнинг энг янги механизмидир. Интернет тармоғида юртимизни ҳар томонлама кенг намоён этиш, шак-шубҳасиз, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг муҳим омилларидандир. Жамиятимизнинг тезкор ахборот алмашув, жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланишни кенгайтиришга доир эҳтиёжи тобора ортиб бораётир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, айни пайтда Ўзбекистонда глобал рақамли технологиялар, ахборот хизматларининг замонавий турлари, чунончи Интернет орқали ахборот узатиш ва олиш имкониятидан кенг фойдаланилмоқда. Мазкур тармоқда миллий ахборот кўлами янада кўпаймоқда ва бу миллий иқтисодиётимизнинг юксалиши, мамлакатимизнинг жаҳон ахборот ҳамжамиятига интеграциялашуви йўлида қўл келаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Web-сайтининг аввалги версияси Интернет тармоғида уч йилдан ортиқ вақт амал қилди. Унда давлатимиз раҳбарининг фармонлари, нутқлари, маърузалари, баёнотлари, жаҳон сиёсати масалалари бўйича халқаро ва минтақавий анжуманлардаги чиқишлари (жумладан, аудио ва видео турлари), ўтказган матбуот анжуманлари ҳисоботлари, китобларининг электрон нусхалари, шунингдек, хорижий мамлакатларга ташрифлари тўғрисидаги тўлиқ матнли, фото ва видео ахборотлар мунтазам бериб борилди.

2-БЕТ

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

HOLDING COMPANY ГИЗ
«ФАЙЗЛИ-БАҒДОД»
мебеллари хонадонингиз файзи
Тел: (8-373-47) 92-557. Факс: (8-373-47) 24-58-65.

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА – ЯНГИ WEB-САЙТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбарининг фаолияти тўғрисида ахборот бериш ва тарқатишни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Web-сайтининг ўзбек, рус ва инглиз тилидаги янги версияси яратилди. Бу борада глобал рақамли технологияларнинг энг янги имкониятларидан кенг фойдаланилди. Матбуот хизмати Web-сайтининг янги версияси (WWW.press-service.uz) ўзининг мазмундорлиги, ресурсларининг ҳимояланганлиги, дизайни, кенг қамровлиги, навигация ва ахборот топиш қулайлиги билан Интернет тармоғининг замонавий талабларига мосдир. Web-сайт жаҳоннинг етакчи қидирув тизимларида (АҚШ, Европа, Осиё ва МДҲ мамлакатлари) рўйхатга олинган ва бу дунёнинг барча мамлакатлари бўйлаб ушбу сайтдан кўп сонли фойдаланувчиларга эга бўлиш имконини беради.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Web-сайтининг янги версияси тўққизта асосий бўлимдан иборат:

— ПРЕЗИДЕНТ бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг таржимаи ҳоли, Президент мақоми ҳақидаги материаллар тақдим этилган.

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ бўлимидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўрин олган.

— ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ бўлимида Ўзбекистон Республикасининг байроғи, герби ва мадҳияси тўғрисида батафсил ахборот ва тасвирлар берилган. Мадҳияни аудио файлда тинглаш мумкин.

— ЯНГИЛИКЛАР бўлимида давлатимиз раҳбарининг ижтимоий-сиёсий фаолияти ёритилган. Бўлимда фото материаллар ҳам жойлаштирилган.

— МАТБУОТ бўлимида Ўзбекистондаги халқаро, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жараёнлар тўғрисидаги шарҳ ва мақолалар берилган.

— ҲУЖЖАТЛАР бўлимида Президент томонидан имзоланадиган ҳуқуқий ва расмий ҳужжатлар — фармонлар, қарорлар ва фармойишларнинг тўлиқ версиялари тақдим этилган.

— НУТҚЛАР бўлимидан Президентнинг маърузалари, нутқлари, чиқишлари, интервью ва табриклари жой олган. Бўлимдаги материалларга аудио ва видео материаллар ҳам илова қилинган. Шунингдек, мазкур бўлимда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» мавзуидаги маърузаси матни ва унинг аудиоверсияси жойлаштирилган.

— ТАШРИФЛАР бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ташрифлари ва Ўзбекистон Республикасига расмий шахсларнинг ташрифлари тўғрисида ахборотлар берилган. Бу ахборотларга фото ва видео материаллар илова қилинган.

— КИТОБЛАР бўлимидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг китоблари ва асарлари (12 жилд) ўрин олган.

Мазкур Web-сайт глобал ахборот тизимининг инглиз-рус-ўзбек тилларидаги тармоғида давлатимиз раҳбарининг фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Интернет ресурсларининг нуфузли каталоги ҳисобланади. У Интернет тармоғидан фойдаланувчилар Ўзбекистоннинг салоҳияти, юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳақида янада кенгроқ маълумот олишида, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги ҳамда амалий ҳамкорлик кўлами ўсишида муҳим омил бўлади.

(ЎзА)

Публицистика

ҚАЛБИНГ ТЎЛА ГАВҲАРЛАРИНГ БОР...

Тун сокинлигини бузиб, қайсидир уйдан алла оҳанглари эшитилмоқда. Қишлоқ чеккасидаги тўйхонада лапару ўланлар янграйди. Беихтиёр иссиқ нон иси димоғингга келиб урилади. Демак, англаймизки, Аёл тун ярмидаёқ тонгни кутиб олмоқда. У олам ёришиши билан меҳрини, меҳнатини, ижод маҳсулини дунёга кўз-кўз қилади.

«Табиатда битта мукаммал мўъжиза бор, у – Аёлдир!», дейди файласуфлардан бири ва мана бу ривоятни келтиради. Эмишки, Қодири мутлақ мукаммал дунё яратишга аҳд қилибди. Шу мақсадда тундан кунни ажратиб, сув, ер, ўсимлик, жониворларни, охирги куни эса эркакни пайдо қилибди. Улар бир-бирига шунчалик мутаносиб эканки, бу мукаммалликка Аллоҳнинг ҳаваси келибди. Кейин қарасаки, аёл йўқ, бахтга қарши лой ҳам тугаб қолганмиш. Шунда у ойдан бир чимдим жамолини, тундан қошу кўзини, мажнунтолдан сочини, камалакдан ранг, гуллардан ҳид, тонгдан мусаффолик, хуллас, ҳаммасидан оз-оздан қўшиб аёлни яратибди! Энди мукаммал дунё бир кам дунёга айланибди, унда ёлғиз аёлгина мукаммал эмиш!

Аёл — она. Она эса мўътабар. Бу юрт тупроғи оналар босган изларнинг тафти билан янада азиз ва қадрлидир. Улар Ватаннинг ёруғ келажагига муносиб фарзандлар тарбиялашдек муқаддас бурчларини адо этишяпти. Жамият маънан ва жисман соғлом ҳамда бақувват фарзандлари билангина янада қудратлидир. Биламизки, оналарни асрасак, демакки фарзандларни ҳам, озод давлатимизнинг келажагини ҳам асраган бўламиз. Эндиликда ҳар бир аёлнинг оналиги, ҳуқуқ ва бурчлари, соғлиги, шаъни ҳамда ғурури қонунларимиз томонидан муҳофаза этилмоқдаки, бу нарса уларга катта куч-қувват бағишлайди.

Аёлларимиз орасида юзлаб касб эгалари бор. Йирик бир корхонани бошқараётган раҳбар аёлдан тортиб, тонгда кўчаларни орасталовчи фаррош аёлгача ва улкан бинолар тархини чизаётган меъмор аёлгача, ҳамма-ҳаммасининг қалбида фидойилик деган улуғ тушунча мужассам, юртпарварлик деган азалий туйғу барқарор, яратувчилик деган эзгу ният ўкмрон. Корхоналардаги замонавий дастгоҳлар ёнида ўтириб газламага нафис кашталар тикаётган, заррин дўппиларни мунчоқлар ила безатаётган, ранго-ранг атласлар тўқиётган аёлларнинг қўлларида мўъжизалар яшайди. Дунёнинг турфа мамлакатларига жўнатилаётган газламаларимизнинг ҳар қаричида ўзбек аёлининг кўз нури, санъати бор. Жаҳондаги барча миллат ва элатлар юртимиз аёлларининг меҳрга йўғрилган нафасини ҳар лаҳзада ҳис этиб туришгандек, назаримда...

Бугунги кунда ўзини маънан янгилаётган, уй-рўзғор юмушларидан ортган вақтини изланишу ижодга, фарзандлар тарбиясига сарфлаб, шу аснода ўзини янгича даврга мослаб яшаётган аёлларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди! Улар эл ишончига, юртининг ардоғига сазовор бўлишяпти. Аёлнинг меҳнати, шижоати бу кун муносиб қадрланаётир. БМТнинг «Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги халқаро Конвенциясига қўшилишимиз муҳим сиёсий аҳамиятга молик воқеадир. Ушбу Конвенциянинг асосий қоидалари Конституциямизда ҳамда Оила, Фуқаролик, Жиноят кодексларимизда ва бошқа кўпгина қонунларимизда ўз аксини топган. **Шу кунга қадар қабул қилинган етмишдан ошиқ қонун ҳужжатларида хотин-қизларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашга оид махсус бандлар, моддалар бор. Буларда аёлларнинг ҳуқуқлари амалда таъминланиши, уларнинг қулай меҳнат шароитида иш юритишлари, тадбиркорликни ривожлантиришлари ҳамда жойларда хотин-қизлар учун янги иш ўринларининг яратилиши сингари кўплаб имтиёз ва ҳуқуқий кафолатлар кўрсатиб ўтилган.**

Маълумки, юртимиз истиқлолга эришганидан бошлаб аёллар ўртасида тадбиркорлик фаолияти кун сайин қулоч ёйди. Эндиликда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида янги қонунлар қабул қилиниши кўзда тутилмоқда. Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бу ҳақда алоҳида таъкидлаб ўтдилар. **«Тадбиркорлар фаолиятига ноҳолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етди.**

Мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар». Бу сўзлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, озод давлат эртаси учун жон куйдираётган аёлларимизни ҳам янада руҳлантириб, уларнинг ғайратига ғайрат қўшиши шубҳасиз.

Тарихдан маълумки, ҳар бир ижодкор аёл шаънига энг нодир ташбеҳлар излайди, рассом энг қуюқ рангларни танлайди, заргар энг нафис нақшлар ахтаради. Айниқса, баҳор билан бирга кириб келувчи аёллар байрами яқинлашиши билан бундай тараддуд янада тезлашади! Ўтган асрнинг бошларида Дания пойтахти Копенгагенда мана шу байрамга асос солинган эди. Шундан бери ҳар йили 8 март халқаро хотин-қизлар байрами сифатида бутун дунёда кенг нишонланади. **Муҳтарам Президентимизнинг таъбири билан айтганда, агар бу байрам расмий тусда илгари эълон қилинмаганда ҳам барибир йилнинг қайсидир куни бизда аёллар байрами куни деб белгиланарди...**

Ўйлаб қоламан. Юртимиз аёллари нақадар бахтлидирлар! Ахир дунёнинг айрим мамлакатларида ҳали-ҳануз аёлларнинг меҳнатлари учун муносиб ҳақ тўланмайди, уларнинг сайловларга қатнашиш ҳуқуқи тан олинмайди, давлатни бошқаришга ҳам нолойиқ ҳисобланадилар. Бизда-чи? Аёлларимиз азал-азалдан эркаклар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилганлар, ҳуқуқдаям тенг бўлганлар. Темурий ва бобурий маликалар орасида давлат бошқарувида қатнашган, салтанат тақдирига оид улкан масалаларни ҳал этган аёллар кўп учрайди. Бибихонимнинг ақл-заковати, билими, доноligи, авлодлар келажаги ҳақида қайғургани кўпчилигимизни ҳайратга солади. Тарихда ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Нодирабегим сингари жуда кўплаб аёлларимиз борки, уларнинг жасорати, олиб борган эзгу ишлари асрлар ўтсада, биз учун ўрнак бўларлидир!

Ардоқли шоирамиз Зулфияхоним эса оналар ҳақида шундай ёзади:

Жаҳон шеъриятин
дарёсин кечиб,
Биз дурлар топмадик
сизлардан афзал.

Ҳа, аёлнинг жамики фазилатлари унинг ҳуснига ҳусн қўшади, малоҳатини, салобатини янада оширади. Аёл яшаётган дунё — саодатли. Аёл кириб келган хонадон нурафшон.

Аёлнинг қалбида меҳр отлиғ гавҳарлари бор. Олам ана шу инжулар шуъласи ила янада чароғондир.

Демакки, эл-юртнинг тинчлиги, фарзандлар камоли, ўтаётган умр фаслларининг гўзаллиги учун ҳам Аёлни — Оналарни асрайлик, дегим келади. Зеро, шу улуғ зот бор экан, ҳаёт давом этаверади, эзгу орзуларимиз кўнгилларимизни тўлдириб, бизни нурли манзиллар томон етаклайверади.

Дилбар САИДОВА,
ёзувчи

ЎзХДП янгиликлари

МУҲОКАМАДА – СЎЛЛИК МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон ХДП IV Қурултойида партия дастурий ғоя ва мақсадларидан келиб чиқиб, мамлакат сиёсий ҳаётида сўл қанот сифатида ҳаракат қилишини ва шу маънода бошқа сиёсий партияларга нисбатан мухолифатда бўлишини расман эълон қилганди.

Партиянинг ушбу позицияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг Баёнотида бу янада чуқурлаштирилди ва ойдинлаштирилди.

ЎзХДП Марказий Кенгашида партиянинг мамлакатимиз сиёсий майдонида сўл йўналишдаги партия эканлигини тўла идрок этиш, ушбу мақомга яраша саъй-ҳаракатларга нималар киришини партия аъзоларига ва кенг жамоатчиликка чуқурроқ тушунтириш мақсадида мақсадида **«Ўзбекистон ХДП – парламент демократияси тизимида: мўлжал, мақсад ва вазифалар»** мавзуида «давра суҳбати» бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рустамов кириш сўзи билан очди ва олиб борди. Анжуманда партиядан сайланган депутатлар, Марказий Кенгашнинг масъул ходимлари, МК ҳузуридаги Экспертлар гуруҳи аъзолари, сиёсатшунос олимлар, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят партия ташкилотлари фаоллари, ОАВ ходимлари иштирок этдилар. Ўзбекистон ХДП МК котиби Михаил Ельшов маърузаси тингланди.

«Давра суҳбати»да Ўзбекистон ХДПнинг мамлакатимиздаги сўл сиёсий куч сифатида эътироф этилиши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг ўз ўрнини белгилаб олиши, партиянинг сўл сиёсий куч эканлигидан келиб чиқадиган айрим амалий масалаларда унинг бошқа сиёсий кучлар билан шериклик қилишининг стратегияси ва тактикаси ҳамда мамлакатимиздаги турли нодавлат, нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши масалалари ва бошқалар хусусида қизғин баҳс-мунозаралар бўлди.

МК ҳузуридаги Экспертлар гуруҳи аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор Қодир Одилов, солиқ академияси кафедра мудири, фалсафа фанлари номзоди Тўра Норбоев, ЎзХДП МК бош маслаҳатчиси Собир Қурбонов, иқтисод фанлари доктори, профессор Руфат Раззоқов, ХДП Тошкент шаҳар кенгаши иккинчи котиби Виктор Медведев, Ҳамза туманидаги И.Юнусов номли маҳалла БПТ котиби Воҳиджон Муллажонов ва бошқалар муҳокамадаги мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, аниқ таклифлар киритдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ХДП Жиззах вилоят кенгашида вилоят, туман Кенгашлари депутатлари етакчилик қилаётган фермер хўжаликлари раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Иштирокчилар мамлакатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамаси янги таркиби билан учрашувидаги нутқида белгиланган вазифалар, фермерлар фаолиятига оид қонун ва ҳужжатлар ҳақида фикрлашиб олдилар. Жиззах туманидаги фермер хўжалиги бошлиғи, Олий Мажлис Сенати аъзоси Парда Зиётов, Дўстлик туман Кенгаши депутати Омон Абдуллаев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

✧✧✧

ХДП Фарғона шаҳар, Риштон туман кенгашлари маҳаллалар, ўқув юртлари ва мактабларда Президентимиз маърузасининг мазмунини тушунтиришга бағишланган мулоқотлар ташкил қилмоқда.

✧✧✧

ЎзХДП Сергели туман кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган аёллар қаноти туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Ёш иқтидорлар кўргазмаси»ни ташкил этди. Унда иштирок этган «Ўзгариш», «Дўстлик» ва Ш.Бурҳонов номли маҳаллалар ёшлари наққошлик, тикувчилик, зардўзлик, рассомчилик, пазандалик бўйича билимларини намойиш этдилар.

✧✧✧

ЎзХДП Хонқа туман кенгаши «Хонқа дон маҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятида «давра суҳбати» ўтказди. Унда иштирок этган партия фаоллари, мутахассислар иштирокчиларга Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолияти, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг аҳамияти ва бошқа масалалар ҳақида гапириб бердилар.

✧✧✧

ХДП Қўшкўпир туман кенгаши томонидан Ойбек номли 39-сонли мактабда «Экология – бу маънавий бойлик» мавзуида кеча ташкил қилинди. Унда Ўзбекистон ХДПнинг олиб бораётган сиёсатида экологик масалалар, партиянинг Экологик дастури ҳақида ёшларга тушунтириш берилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Китоб жавонингизга

ЯНГИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ



Аждодларимиз томонидан битилган кўплаб тарихий рисолаларда, хусусан «Зафарнома», «Бобурнома» каби асарларда «нафтандоз» деган ибора учрайди. Муҳораба санъати сирларидан, тил тарихидан бехабар киши нафтандоз нима, аниқроғи ким бўлди экан, деб ўйлаши табиий. Бу сўз аслида «нафит», яъни нефть сўзидан олинган бўлиб, (ёки нефть сўзи нафит сўзидан олингандир) «доз» эса от ясовчи қўшимчадир. Тил муомаламизда бу қўшимчада ясалган сўзлар ҳозир ҳам учрайди. Нафтандоз — ҳарбий касб эгаси бўлиб, яъни нефть отувчи, душман устига ўт-олов ёғдирувчи жангчидир. Қарангки, зукко ота-боболаримиз нефтнинг ёнувчи хусусиятини қадим замонлардаёқ яхши билишган, ҳарбий мақсадларда ундан фойдаланишган.

Гапни нефтдан бошлаганимиз бежиз эмас. Яқинда геология-минерология фанлари доктори, профессор Асрор Абидовнинг умумий таҳрири остида нефть ва газ саноатига оид икки жилдли русча-ўзбекча изоҳли луғат чоп этилди. Сўзбошида таъкидланганидек, бундан 6-7 йил муқаддам давлат тилида иш юритишга асос бўладиган русча-ўзбекча изоҳли луғат яратишга киришилган эди. «Ўзбекнефтгаз» миллий акциядорлик компанияси тасарруфидаги ташкилот ва корхоналарнинг илмий ходимлари ва мутахассислар бу ишни икки босқичда амалга оширдилар. Шундай қилиб, 2000 йилда «Нефть ва газ геологияси русча-ўзбекча изоҳли луғати»нинг биринчи жилди, 2004 йилда эса иккинчи жилди нашр этилди.

Нефть ва газ саноати кўп тармоқли бўлиб, унинг геологияси қатори геофизика, бурғилаш, қазиб чиқариш, нефть-газ конденсатини узатиш ва сақлашга доир йўналишларни ҳамда уни қайта ишлаш, бозор иқтисоди шароитида нефть ва газ саноатини ташкил этиш каби соҳаларни қамраб олади. Мазкур изоҳли луғатда бу йўналишда мавжуд бўлган 5500 дан зиёд муҳим атамалар жамлаб олинган бўлиб, уларга илмий таърифтавсиф берилган.

Муаллифлар жамоаси ушбу луғатни тузишда тилимиз имкониятларидан мумкин қадар кенгроқ фойдаланишган, айрим атамаларни эса байналмилал шаклида, аслича қолдирганлар. Шунингдек, нефть ва газ саноатига доир атамаларнинг маъно-мазмуни, қўлланиш усуллари, сифатлари атрофлича ёритилган.

Мазкур изоҳли луғат нефть ва газ саноати геологиясини қидирув ташкилотлари мутахассислари, илмий ходимлар, шунингдек, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларда таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган.

(Ўз мухбиримиз)

Иқтисодиёт ва ислоҳот

Бухоролик Аҳрор Саидов кўпдан буён қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона ташкил этишни орзу қилиб юрар эди. Бинобарин, кўплаб мева-сабзавот маҳсулотлари ўз вақтида қайта ишланмаганлиги боис исроф бўларди-да.

— Ниҳоят 2003 йил бошларида АТ «Пахта банк» Бухоро вилоят бошқармасига мурожаат қилдим, — дейди биз билан суҳбатда Аҳрор Саидов. — Банкдагилар эса ўз навбатида менинг ушбу режамни қўллаб-қувватлашди. Замонавий технологиялар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва уни қадоқлашга ихтисослашган корхона қуришга қарор қилдик. «Соҳибкор» ширкат хўжалиги ҳудудида «Асептик» шўъба корхонасини бунёд этдик. Италиянинг «Фенко» компанияси технология асосида қуввати бир соатда 1000 шиша мева шарбати ва томат, соус-кетчуп ишлаб чиқариш линияси ўрнатилди. 285 минг АҚШ доллари миқдоридаги ушбу лойиҳа 2003 йил 14 июлида Осиё Тараққиёт банки кредит линияси орқали молиялаштирилди.

— Технологик линия қачон олиб келинди? Монтаж қилиш жараёни қандай кечди?

— Барча ускуналар 2003 йил 23 декабрида Бухоро шаҳрига олиб келинди. 2004 йил январь ойида монтаж ишлари тугатилиб, ўтган йилнинг апрель ойидан линия ишга туширилди.

— Ўтган йил давомида ишлаб чиқариш жараёни қандай кечди? Харажатлар ўзини оқлаяптими?

— Ҳозирча ишларимиз ёмонмас. Айниқса, ёз-куз ойларида хомашё сероб бўлди. Маҳсулотларимиз тезда харидорини топди. Йил охиригача 38,6 миллион сўмлик 90,4 тонна мева шарбати ва томат пастаси сотдик.

Тадбиркор Миршод Воҳидов эса Бухоро туманида «FRVIT WOPLD LTD» агрофирмасини ташкил этди. АТ «Пахта банк» вилоят бошқармасининг бевосита ёрдами билан Италиянинг «Bertuzzi» компанияси технологияси асосида ишловчи қуввати соатига 20 тонна мевани қайта ишлашга мўлжалланган консерва заводи лойиҳасини амалга оширишга киришди. Осиё Тараққиёт банки кредит линияси орқали 1 миллион 714 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ажратиш лойиҳаси 2003 йил 12 декабрда АТ «Пахта банк» кредит қўмитаси ва 17 декабрда Осиё Тараққиёт банки томонидан тасдиқланди. Ўтган йили апрель ойида линия ускуналари Бухорога етказилиб, монтаж ишлари бошланди. 7 июнда эса ишга туширилди. Ушбу корхона ишга туширилгандан буён 302,4 миллион сўмлик 1097,6 тонна мева концентратлари ишлаб чиқарди. Энг муҳими, 774,4 тонна ёки 215,5 миллион сўмлик мева концентратлари товар хомашё биржаси орқали АҚШ ва Хитой давлатларига ҳам сотилди.

Вилоят «Пахта банк» бошқармаси фаолиятида бундай мисоллар кўп.

Бу ерда 8213 дан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга банк хизматлари кўрсатилмоқда. Шундан 6394 нафари кичик ва хусусий бизнес субъекти ва 3538 га яқини фермер ва деҳқон хўжаликларидир. Йил бошига нисбатан мижозлар сони 885 нафарга, жумладан кичик бизнес субъектларининг сони 899 нафарга ошди.

2004 йил давомида миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш борасида республика ҳукумати ҳамда Марказий банк томонидан олиб борилаётган пул-кредит сиёсатини қўллаб-қувватлаш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда АТ «Пахта банк»нинг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг истеъмол бозорини тўлдириш, пул муомаласини барқарорлаштириш ҳамда пул тушумларини назорат қилиш бўйича қарорлари ҳамда Марказий банкнинг нақд пул тушумига доир меъёрий йўриқномалари асосида иш олиб борилди.

Республика АТ «Пахта банк» бошқаруви томонидан аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини кафолатли омонатларга жалб қилиш мақсадида янги юқори манфаатли, қулай «Саховат» ва «Пластик карт» муддатли омонат турларини жорий этди.

Аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни кўпайтириш мақсадида «Пахта банк» тизимида 2004 йилнинг 23 мартидан **«Саховат» муддатли** омонат тури жорий этилди.

«Саховат» омонат турига маблағлар 2004 йилнинг декабридан бошлаб фақат нақд пулда энг кам миқдори 20000 сўмдан кам бўлмаган тақдирда 1 йил муддатга — йиллик 32 фоиз миқдорда ҳақ тўлаш шарти билан қабул қилинади. Омонат учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади, қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.

«Пластик карт» омонат турига Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида ҳақ тўланади. Ҳисобланган фоиз ой давомида ҳисобланиб борилади ва кейинги ойнинг биринчи санасида омонат қолдиғига қўшилади, ойма-ой капитализация қилинади.

АТ «Пахта банк»да 2000 йилдан бошлаб пластик карточка хизмат турини ташкил қилиш борасида кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Бу «DUET» дастурий таъминоти орқали амалга оширилмоқда. Юқорида таъкидланган дастур орқали мижозларга таклиф қилинадиган пластик карточкалар «Смарт технологияси» асосида ишлаб чиқарилган бўлиб, сохталаштиришдан тўлиқ ҳимояланганлиги билан ажралиб туради. Республика «Пахта банки» томонидан «2001-2005 йилларда пластик карточкалар асосида тўлов тизимини ривожлантириш махсус дастури» ишлаб чиқилди.

ИЗЧИЛЛИК — ДЕЙИШМОҚДА АТ

Баҳор илҳомлари

БОҒЛАРДА УЙҒОНИШ, ДИЛЛАРДА НАВО

ГУЛҒУНЧА

Баҳоргинам, боғингдаги гулғунчамен,
Не машаққат чекдим сенга келгунчамен.

Ишқ навоси тараларкан хонишлардан,
Булбулга ёр бўлгим келар ўлгунчамен.

Баҳор, мени эркаладинг, юзим силаб,
Қувват олдим гул рангига тўлгунчамен.

Бўса истаб шошиларкан боларилар,
Яшнагаймен мангу гулзор бўлгунчамен.

Баҳоргинам, боғингдаги гулғунчамен.

Сочлари оқарган мўйсафид тоғлар
Ҳар тонг қуёш билан очаркан кўзин.
Ажинлар чизиғи гўё ирмоқлар,
Сой бўлиб айтдилар ибратли сўзин.

Сойлар — боболарим манглай теридан,
Келиндек ясанмиш кўклам-моможон,
Ҳеч ким олис кетмас азиз еридан,
Чорлайвер қуёшни, БАҲОР — ОНАЖОН!

Боғларда уйғониш,
дилларда наво,
рангин оҳангларга
тўлди куртаклар,
Гўдак майсаларнинг
қўлидан тутиб,
баҳор оқшомгача
сўйлар эртаклар.
Жўшқин сойликларнинг
бошида туриб,
юракда неки бор
айтгим келади.
Раққос майсаларнинг
шўхлигин кўриб,
баҳор — болаликка
қайтгим келади.

ЎЗБЕК АЁЛИ

Олам гавҳарисиз — кўнгил гавҳари,
Сизга сўз тополмас дунё заргари,
Неки таъриф бўлса, Сизгадир бари,
Ўзбекнинг ўзлиги бўлинг, аёллар,
Сиз битта сўзлиги бўлинг, аёллар.

Тўмарис авлоди, аждодлар ёди,
Сиз ўша ҳурликнинг асрий фарёди,
Сизни маҳв этолмас дунё сайёди,
Ўзбекнинг ўзлиги бўлинг, аёллар,
Сиз битта сўзлиги бўлинг, аёллар.

Муҳаббат бобида Лайли, Кумушсиз,
Ҳаёт гўзал эмас, Сизнинг юмушсиз,
Сиз ўша бахт қуши — Ҳумо эмишсиз,
Ўзбекнинг ўзлиги бўлинг, аёллар,
Сиз битта сўзлиги бўлинг, аёллар.

Қуёш балқиб турар кўзларингиздан,
Севгини ўқийман сўзларингиздан,
Топганим гўзаллик ўзларингиздан,
Ўзбекнинг ўзлиги бўлинг, аёллар,
Сиз битта сўзлиги бўлинг, аёллар!

Ашурали БОЙМУРОД

XORIJDA

Лойиҳа қабул қилинди

Британиянинг қуйи палатаси ҳукумат томонидан тавсия этилган «Терроризмнинг олдини олиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тасдиқлади. Янги қонун нафақат парламент депутатлари орасида, балки матбуот ва кенг жамоатчилик орасида ҳам баҳсларга сабаб бўлди.

Шубҳа остига олинган шахсларни уй қамоғига Ички ишлар вазирлиги ёки аввалгидек судья ҳукм қилиши мумкинми, деган савол кўпгина музокараларни келтириб чиқарди.

Вазирлар Маҳкамаси вакиллари фикрича, уй қамоғи ва бошқа эҳтиёт чоралари терроризмда шубҳа қилинган хорижий фуқароларни қамоққа олишдан кўра маъқулроқ экан. Лорд судьялар фуқароларни айби тасдиқланмасдан туриб, қамоққа олиш инсон ҳуқуқларининг бузилиши деб ҳисоблашмоқда.

Янги бошқарма таъсис этилади

АҚШ Конгресси хорижий давлатларда демократияни қўллаб-қувватлаш лойиҳасини ишлаб чиқди. Лойиҳа Сенат ва Конгресснинг вакиллари палатасига тақдим этилди.

Республикачи сенатор Жон Маккейн ва демократ сенатор Жозеф Либерман «Демократия ривожланиши акти» деб ном олган бу лойиҳанинг муаллифларидир.

— Грузия, Украина, Афғонистон, Ироқ ва Фаластин муҳторияти ҳудудларидаги вазият халқларнинг озодликка интилиши муштараклигидан дарак бермоқда, — деди лойиҳа муаллифлари.

Сенаторларнинг маълум қилишича, 2 йил давомида хорижий давлатларда демократияни ривожлантириш ҳаракатлари АҚШ ҳукуматига 250 миллион долларга тушади. Ҳужжатга мувофиқ Америка ҳукумати нодемократик мамлакатларда демократия тамойилларини жорий этиш бўйича аниқ режалар киритилган ҳисобот тақдим қилиши керак.

Бундан ташқари янги ҳужжатга кўра, АҚШнинг давлат департаменти тизимида Демократик ҳаракатлар ва ўтиш жараёнлари бўйича бошқарма ташкил этилади. Баъзи элчихоналар қошида эса бошқарма бўлимлари ҳам таъсис қилинади.

Навбат — Осиё автомобилларига

Американинг General Motors ва Ford автомобиль компаниялари АҚШдаги машиналар сотилиши суръатлари камайгани туфайли ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтиришга мажбур бўлишди. GMнинг машиналари сотилиши суръатлари ўтган йилга нисбатан 12,7 фоизга тушган бўлса, Ford компанияси маҳсулоти сотилиши 3 фоизга камайган.

Қизиғи шундаки, АҚШда Осиёда ишлаб чиқариладиган автомобиллар бозори чаққон. Мисол учун Toyota машиналарининг сотилиши 11 фоизга, Nissanники эса 10 фоизга ошди. Ҳатто йирик ишлаб чиқарувчилар қаторига кирмаган Suzuki Motorнинг 2004 йилга нисбатан савдо-сотиқ ҳажми 17,6 фоизга кўтарилди.

Американинг автомобиль ишлаб чиқарувчи тизимига кирган Германиядаги Daimler Chrysler компаниясининг бўлими Chrysler корхонасигина маҳсулот сотилишини 8 фоизга кўтаришга эришди.

GM ва Ford машиналари бозори касод бўлаётганига ёнилғи нархи ошиб бораётганлиги сабаб бўлмоқда, деб таъкидлашмоқда.

Савдо-сотиқ суръатлари пасайганига қарамай, одамларнинг машиналарга бўлган қизиқиши сўнгани йўқ.

Женевада 75-Халқаро автосалон очилди. 114 минг квадрат метр майдонда 30 мамлакатдан ташриф буюрган ишлаб чиқарувчилар автосаноат янгиликларини намойиш этишади.

Мутахассисларнинг фикрича, BMW, Volkswagen Passat, B таснифидаги Mercedes ва Opel Zafira ҳамманинг диққатини тортди. Alfa Romeo 159 ва Brera, Fiat Croma, Mazda MX-5 ҳам таҳсинга лойиқдир.

Аммо дунёдаги энг тезкор Bugatti Veyron автошоуда барчанинг эътиборини тортди. У соатига 405 километр тезликда юра олади. Бундан олдин McClaren компаниясининг Формула 1 машинаси соатига 389 километр тезликка эришган эди.

Bugatti Veyron 1,2 миллион доллар туради. Автомобилнинг оғирлиги 2 тонна бўлиб, у 16 цилиндрлик двигателга эга.

Вазир ташаббуси

Ироқнинг транспорт вазири Луи ал-Арс ўз вазирлиги Бағдодда биринчи метрополитен қурилишига доир ташаббус билан чиққанлигини эълон қилди.

— Метро кўчалардаги тиқилинчларга барҳам беради, бундан ташқари у ҳар бир ривожланган шаҳарнинг ўзига хос белгиларидандир, — деди вазир.

Манбаларга қараганда, ўтган асрнинг 70-йилларида Саддам Ҳусайн ҳам Бағдодда метро қуришни режалаштирган, бироқ лойиҳа амалга ошмай қолган эди.

Хуршид РАУПОВ
тайёрлади

Жўрақул ИСРОИЛОВ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби, тарих фанлари номзоди Жўрақул Исроилов 65 ёшида вафот этди. Ж.Исроилов 1940 йилда Жиззах туманидаги Равот қишлоғида туғилди. 1957 йилда Пушкин номли ўрта мактабни битирган. 1963 йилда Тошкент чет тиллар педагогика, 1985 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтларини тугаллаган.

Ж.Исроиловнинг меҳнат фаолияти 1957 йилда «76-от заводи»да ишчиликдан бошланди. 1966-1967 йилларда Зомин туманидаги 24-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. 1968-1974 йилларда Сирдарё вилояти ёшлар ташкилотларида фаолият кўрсатди.

1974-1992 йилларда вилоят ва туман идораларида масъул вазифаларда ишлади. 1992-1994 йилларда Жиззах вилоят ҳокими ўринбосари, сўнгра 2002 йилга қадар Жиззах вилояти телерадио қўмитаси раиси, «Нуроний» жамғармаси Дўстлик туман бўлими раиси вазифаларида меҳнат қилди.

Ж.Исроилов 2002 йилдан бошлаб Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларида фаолият кўрсатди. Дастлаб ЎзХДП Дўстлик туман кенгаши биринчи котиби, 2004 йилдан эса ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби лавозимларида ишлади.

Жўрақул Исроилов қайси вазифада бўлмасин, ҳалол-пок, фидойи меҳнат қилди. Самимийлиги ва камтаринлиги билан ҳамкасблари, партиядошлари, юртдошлари ўртасида ҳурмат-эътибор қозонди.

Сафдошимиз хотираси уни билганлар ва бирга ишлаганлар ёдида ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан

ХАЛҚ БАНКИ

мижозларга 20 га яқин омонат турларини жорий этган ҳолда «Маржон» — қисқа муддатли омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 6 ой муддатга, йиллик 32 фоиз даромад тўлаш шарти билан камида 50 000 сўм миқдорида Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

Мурожаат учун телефонлар:
173-69-15, 173-69-16 (ички 126,109)

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

- **Араб филологияси кафедраси, катта ўқитувчи,** 3 ўрин;
- **Эрон-афғон филологияси кафедраси, катта ўқитувчи,** 2 ўрин;
- **Жанубий Осиё тиллари кафедраси, катта ўқитувчи,** 1 ўрин;
- **Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси, доцент,** 1 ўрин;
- **Хитой филологияси кафедраси, катта ўқитувчи,** 1 ўрин; **ўқитувчи,** 1 ўрин;
- **Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси, катта ўқитувчи,** 1 ўрин;
- **Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси, доцент,** 1 ўрин;
- **Инглиз тили кафедраси №1, катта ўқитувчи,** 1 ўрин;
- **Япон филологияси кафедраси, ўқитувчи,** 2 ўрин;
- **Корейс филологияси кафедраси, катта ўқитувчи,** 1 ўрин;
- **Герман тиллари кафедраси, кафедра мудири,** 1 ўрин; **катта ўқитувчи,** 1 ўрин;
- **Роман тиллари кафедраси, кафедра мудири,** 1 ўрин;
- **Педагогика ва шарқ тилларини ўқитиш методикаси кафедраси, кафедра мудири,** 1 ўрин;
- **Табиий фанлар кафедраси, катта ўқитувчи,** 1 ўрин;
- **Исломшунослик кафедраси, катта ўқитувчи,** 1 ўрин;
- **Халқаро муносабатлар, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ кафедраси, ўқитувчи,** 1 ўрин;
- **Шарқ тиллари кафедраси, катта ўқитувчи,** 3 ўрин;
- **Жисмоний тарбия кафедраси, катта ўқитувчи,** 2 ўрин;
- **Фалсафа кафедраси, кафедра мудири,** 1 ўрин; **доцент,** 1 ўрин;
- **Информатика ва информацион технологиялар кафедраси, доцент,** 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

Ҳужжатлар:
1. **Ректор номига ариза.**
2. **Шахсий варақа (рангли фотосурат билан)**
3. **Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида аттестат.**
4. **Илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.**

700047, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз (собиқ Лоҳутий) кўчаси, 25. Тел.: 133-44-36.

МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

«ПАХТА БАНК» БУХОРО ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ

Шу махсус дастурга ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари асосида 2003 йилдан бошлаб «Пахта банк»нинг Бухоро вилоят бошқармаси пластик карточкаларни жорий этишни бошлади. 2004 йил давомида вилоят «Пахта банк»ида пластик карточка хизмат турини ривожлантириш борасида аниқ ишлар амалга оширилди. Вилоят банкининг 11 та филиалида пластик карточка хизмат тури жорий қилинди. Вилоят бошқармасининг банк жараёнлари бўлимида банкомат ўрнатилди. Вилоят бошқармасининг филиалларида хизмат кўрсатувчи савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчаларига 27 та терминал қўйилди. 200,0 млн. сўмга яқин маблағ пластик карточка ҳисоб рақамларига жалб қилинди. Бугунги кунда 35 дан ортиқ ташкилот ходимлари иш ҳақларини пластик карточкалар орқали олишмоқда. 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига мижозлардаги пластик карточкалар сони 5000 дан ошиб кетди.

Республика бошқарувининг саъй-ҳаракати туфайли кўплаб омонат турлари жорий қилинганлиги сабабли, 2005 йилнинг 1 январь ҳолатида жалб этилган омонатлар миқдори — 3537,2 млн. сўмни ташкил қилди. Жалб қилинган аҳоли омонатлари таркибида муддатли омонатлар миқдори 3282,5 млн. сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1323,4 млн. сўмга кўпдир.

АТ «Пахта банк»нинг бўлимлари бўйича ҳисобот даврида жами 9968,5 млн. сўмлик қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилган бўлиб, шундан, кичик ва ўрта бизнес субъектларига 2005 йил 1 январь ҳолатида берилган кредитлар бўйича қарздорлик 5408,5 млн. сўмни ташкил қилади, шу жумладан, жорий йил давомида ажратилган кредитлар миқдори 2600,9 млн. сўмга тенгдир.

Кичик ва хусусий бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2003 йил давомида 2127,2 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлса, 2004 йилда 2225,2 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди, яъни бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 98 млн. сўмга кўп демакдир.

Ушбу кредитларнинг 86 фоизи ўрта ва узоқ муддатларга, 14 фоизи қисқа муддатларга ажратилган бўлиб, бу кредитлар ҳисобига 574 та янги ишчи ўринлари яратилди ҳамда 349,6 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника, товар моддий бойликлар билан таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, тараққиёт омили ҳисобланган фермерликни ривожлантириш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга. Ушбу масалаларнинг ҳар томонлама муваффақиятли ҳал этилиши бутун банк тизими ва биринчи навбатда «Пахта банк» хизматига бевосита боғлиқдир. Банк аграр соҳадаги ислоҳотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштиришнинг молиявий воситачиси бўлиб хизмат қилмоқда. Бевосита деҳқон ва фермер хўжаликларининг молиявий жиҳатдан ривожланишини қўллаб-қувватлашда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1017,8 млн. сўм кредитлар ажратилган ёки бу кўрсаткич жами берилган кредитларнинг 45,7 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилнинг 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 511-сонли қарори талабларини бажариш мақсадида вилоят электр тармоқлари ҳамда вилоят ҳудудий газ таъминоти корхоналари билан ўзаро манфаатли шартномалар тузилди, ҳамда АТ «Пахта банк» Бухоро вилоят бошқармаси томонидан туман бўлимларида аҳолидан коммунал тўловларини ўз вақтида ва сифатли йиғиб олиш мақсадида 9 та махсус шахобча ишга туширилди. Фаолият юритаётган махсус шахобчалар бўйича вилоят «Пахта банк»и томонидан кунлик мониторинг олиб борилмоқда. Мониторинг натижаларига кўра, жорий йилнинг январь ойи мобайнида махсус шахобчалар бўйича жами 4754,3 минг сўм нақд пул коммунал тўловларидан қабул қилинган бўлса, февраль ойининг 16 кунида эса жами махсус шахобчалар томонидан 2857,8 минг сўм қабул қилинди.

Бир сўз билан айтганда, бошқарма жамоаси замон билан ҳамнафас фаолият юритиб, ўз мижозларининг молиявий барқарорлигини ошириш, кичик ва хусусий бизнес субъектларининг фаолиятини янада ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Энг муҳими, банк жамоаси ўз фаолияти давомида изчилликни давом эттираётир. Зеро, улар изчиллик муваффақиятлар гарови эканлигини яхши биладилар. Худди ана шу фаолият банк обрўсини оширмоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

«ЗАРБДОР ЭЛЕВАТОР» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ижроия бошқаруви шуни маълум қиладики, 2005 йил 31 март соат 11.00 да жамиятнинг маъмурий биносида (Зарбдор қўрғони) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Кун тартибига қуйидаги масалалар қўйилган:
1. Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботи.
2. Корхонанинг 2004 йилдаги молия-хўжалик фаолияти ҳақида жамият раисининг ҳисоботи.
3. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва аудитор ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2004 йилги балансини тасдиқлаш.
5. Дивидендлар миқдори ва тақсимланишини белгилаш.
6. Жамиятнинг 2004 йилдаги бизнес режаси бажарилиши ва 2005 йилги бизнес режани тасдиқлаш.
7. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
8. Акциядорлик жамиятининг низомига ўзгартириш киритиш.
9. 2005 йилга акциядорлик жамияти аудиторини тасдиқлаш.
10. Акциядорлик жамияти раиси билан меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш.

Жисмоний тарбия ва саломатлик

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

ҲАР БИР ИНСОННИНГ ЎЗИГА БОҒЛИҚ

Ҳар бир инсон ҳаёт неъматларидан бахраманд бўлгиси, соғ-саломат, бахтли яшагиси келади. Аммо ҳаётнинг аччиқ томонлари ҳам бўладики, бунда инсон иродаси синовдан ўтади. Бундай синовни ҳар ким турлича қабул қилади. Руҳи заифлар оҳ-воҳ, йиғи-сиғи, умидсизлик гирдобига тушиб қолишлари, агар бемор бўлса, касалликни авж олдириб юбориши мумкин. Аксинча, руҳи тетик инсонлар ҳаёт синовларини оддий қабул қилиб, ўз жисмидаги хасталикдан ҳам фориғ бўлиши мумкин. Ҳаётда бунга мисоллар кўп.

Саратон касали билан оғриган беморларнинг бир қанчаси ўз танасида машқлар олиб борган ва муолажа машқларидан сўнг тузалиб кетган. Ваҳоланки, саратон давосиз касал дейишади. Демак, Яратган инсонга дард билан бирга ирода ҳам берадики, унинг кучидан фойдаланиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ экан.

Буюк табиб Абу Али ибн Сино инсон саломатлигининг бош омиллари нимада эканини таъкидлаб ўтган. Яъни бола парвариши ва тарбиясида қуёш, ҳаво, шунингдек, чиниқиш, вақтида ухлаш, вақтида овқатланиш, шахсий покизалик, яшаш жойининг озодалиги, даволовчи воситалар, шеърият, мусиқа ва жисмоний тарбиянинг уйғунлигини айтган ва соғлиқни сақлашда асосий эътиборни жисмоний тарбияга қаратган.

Саломатликнинг ўзи нима? Оддий қилиб айтганда, ташқи салбий таъсирларни енга олиш хусусияти, шунингдек, ҳар хил муҳитга мослаша билиш ҳам саломатликнинг бир кўринишидир.

Саломатлик қандай шаклланади?

Аввало, инсон ўз соғлиғига бебаҳо неъмат деб қараши лозим.

Ўз турмуш тарзида жисмоний тарбия машқларини қўллаши зарур.

Касби, ёши, биологик ҳолатига кўра соғломлаштирувчи машқларни аниқлай билиши керак.

Афсуски, ҳозирги пайтда хасталикка чалинганлар қиммат дорилар олишга маблағларини аямайдилар. Аммо маблағ талаб қилмай, касалликнинг олдини олувчи жисмоний машқларни бажаришга вақтларини қизғанадилар. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, талай касалликларнинг келиб чиқишига ҳаракатсизлик (53%), вақтида овқатланмаслик ва нотўғри овқатланиш (38%), бунинг натижасида ортиқча семириш (67%), чекиш (46%), ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва ҳоказолар сабаб бўляпти.

Юқорида қайд қилинган омиллар энг аввало таянч ҳаракатининг бузилишига (69%), марказий асаб хасталигига (61%), юрак-қон томирлар касаллигига (56%), меъда-ичак касаллигига (56%) олиб келади.

Ўн саккиз ёш — бу йигит киши учун куч-қувватга тўлган палла. 2004 йилда 16-18 ёшли мактаб ўқувчилари тиббий кўрикдан ўтказилган эди. Унинг натижалари... кишини ўйлашга мажбур этади: 1 миллион 800 минг нафар ўсмирнинг 58-60 фоизида турли хил у ёки бу касалликлар аниқланган.

Бу факт соғлом турмуш тарзининг етарли даражада шаклланмаганидан далолат беради. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Бизнингча, бунга сабаблар:

— соғлом турмуш тарзини олиб бориш ҳақидаги билимларнинг етишмаслиги;

— экологик ва иқтисодий муаммолар (шу жумладан, тўғри ва етарли овқатланмаслик);

— жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарликнинг пастлиги;

— бўш вақтдан оқилона фойдалана билмаслик;

— жамоатчилик фикрининг тор доирада экани;

— вақтида тиббий кўрикдан ўтмаслик.

Тўғри, кейинги 10-12 йил ичида юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта аҳамият бериляпти. Вилоят марказларида катта спорт иншоотлари қад кўтаряпти, спорт коллежлари очиляпти. Ҳар йили ўқувчиёшлар ўртасида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» сингари спорт мусобақаларини ўтказиш анъанага айланди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди. Омма ўртасида спорт, жисмоний тарбия ишларини тарғиб қилиш учун махсус спорт телеканали ишга тушди. Спорт билан шуғулланган бола турли нотўғри йўлларга кирмайди, безориликдан, гиёҳвандликдан сақланади, интизомли ва соғлом бўлиб вояга етади. Шу ўринда табиий савол туғилади. Хўш, вояга етаётган фарзандларимизни ўқитиб-ўргатадиган, спортга ошно этадиган жисмоний тарбия мутахассислари етарлими? Эҳтимол, камчиликлар сабабини шундан излашимиз керакдир.

2004 йил статистик маълумотларига кўра, республикамиздаги 63 та олий ўқув даргоҳида 898 нафар олий маълумотли жисмоний тарбия мутахассиси кундузги бўлимда 190 минг нафарга яқин талабага таълим бермоқда.

Республикамизда 2003 йилда 831 та коллеж ва академик лицей фаолият кўрсатган бўлса, 2005 йил бошида бу рақам 916 тага етди. Ҳар йили 20-25 та академик лицей ва коллеж қурилиб ишга туширилмоқда. Уларда 3138 нафар жисмоний тарбия мутахассиси ишламоқда, уларнинг 2767 нафари олий маълумотли, ўрта махсус маълумотлилар эса 371 нафар, кадрларга бўлган эҳтиёж эса 230 та. Ишлаётганлар орасида 1,5-2 ставкада фаолият кўрсатаётганлар ҳам бор, жисмоний тарбия мутахассислиги бўлмаганлар ҳам талайгина.

Мактаблардаги аҳвол бундан яхши эмас. Республика бўйича 10.000 га яқин мактаб бор (9737). Уларда жами 23.591 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси ишлаяпти. Демак, ҳар икки мактабга 5 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси тўғри келяпти. Бу — мактабларда болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний тарбия дарсларини олиб бориш, спорт мусобақаларини ўтказиш оқсаяпти дегани.

Маълумки, шу соҳа мутахассисларини тайёрловчи энг асосий ўқув даргоҳи Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ҳисобланади. Ҳозир институтда 1422 нафар талаба кундузи ўқиётган бўлса, шунинг 318 нафари 4-курс талабаси, магистрантлар эса 23 нафар. Энди масалага ойдинлик киритиб, таҳлил қилиб кўрайлик. 4-курсни тугатиб, бакалавр дипломини олганлар олий ўқув юртларида ишлаш ҳуқуқига эга эмас. Фақат магистрлар бу ҳуқуққа эгалар. Энди ҳар йили ЎзДЖТИни 12 нафар магистрант битирса, улар орасида ўқишни аспирантурада давом эттириш истагида юрганлар ҳам бор. Демак, ишга йўлланма оладиганлар ундан-да кам бўлади. Ваҳоланки, ҳозир ЎзДЖТИ 13 та спорт йўналиши бўйича мутахассисга эҳтиёж сезиб турибди. Ишлаётганлар орасида эса пенсияга чиқувчилар ҳам бор (пенсия олиб ишлаётганлар 40 фоизни ташкил қиладиган), бошқа соҳага ўтиб кетаётганлар, яшаш жойини ўзгартираётганларни ҳисобга оладиган бўлсак, калаванинг учи кадрлар масаласига бориб тақалади.

Республикамизнинг кўпгина олий ўқув юртларида жисмоний тарбия факультетлари ҳам мавжуд. Улардаги бюджет асосида таълим олувчи магистрантлар сони ҳаммаси бўлиб 3-5 нафарни ташкил этади. У ҳам бўлса, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент педагогика университети факультетларига берилган. Юртимизда тор спорт йўналишига ихтисослашган, умумтаълим ҳам қўшиб олиб борилаётган спорт коллежлари 10 тага етди. Низом бўйича бу ерда фақат олий маълумотли мутахассисларгина сабоқ беришлари керак. Бундай коллежларнинг истиқболи катта. Олий ўқув юртларига керакли спорт мутахассислари етишмаётган бир пайтда бу масала коллежларда қандай ҳал қилиняпти?

Албатта, бизда ҳам жаҳон андазаларига тенглашиш йўлида кўп ишлар қилинмоқда. Бакалавр дипломига эга бўлган мутахассисга ҳам олий ўқув юртларида ишлаш имконини яратиш керак, деб ўйлаймиз. Спортчи касб танлагунча 8-10 йил давомида кўп билимларга эга бўлади, малакаси ошади. Ҳатто, спорт устаси даражасига ҳам етади. Бакалавр дипломини олаётган ҳозирги талабалар ҳам назарий, ҳам амалий билимларни етарлича эгаллаяптилар. Кенг кўламли дастурларни ўзлаштираётган бакалаврларга қандайдир имтиёз бериш керакмикан, деган мулоҳазамиз бор.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, соғлом турмуш тарзини шакллантириш муҳим ижтимоий талаблардан бири. Аммо бу масалани ҳал қилиш фақат спорт мутасаддиларининг вазифаси, деб қараш нотўғри. Ҳар кимнинг саломатлиги ўз қўлида. Шундай экан, биргалашиб муаммолар ечимини топсак, мақсадимизга етамиз.

Клара ШОКИРЖОНОВА,
ЎзДЖТИ ўқув ишлари бўйича проректори, педагогика фанлари номзоди, доцент.

Интер-спорт

ТАЙСОН ФЕСТИВАЛДА ҚАТНАШАДИ



Ўта оғир вазнли машҳур боксчи, собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон Сан-Ремода ўтказиладиган мусиқа фестивалида иштирок этади. «Аристон» театри саҳнасида томошабинларга рўбарў бўлиш мен учун катта шараф», дейди Тайсон. Аниқроқ қилиб айтганда, 55-марта уюштирилаётган бу фестивалда боксчи фахрий меҳмон сифатида иштирок этишига қарамай, концерт бошқарувчисига интервью бериб, тадбир қатнашчиси сифатида 300 минг доллар олар экан.

ГРУЗИЯДА ОЛИМПИАДА БЎЛАРМИКАН?

Грузия миллий олимпия қўмитаси президенти Бадри Патаркацишвили 2014 йили ўтказиладиган Қишки олимпия ўйинларини ташкил этишга ўз мамлакати даъвогар эканини баён қилди. Унинг сўзига қараганда, бундай нуфузли спорт тадбирини ўтказиш учун мамлакатда барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириш мумкин. Бордию Грузиянинг олимпия ўйинларини ўтказишга даъвоси ўтмай қолса, унда 2018 йили бўладиган олимпиадани уюштиришга даъвогарлик қилиши мумкин экан. Айни пайтда Грузия спортчилари Хитойда ўтказиладиган навбатдаги ёзги олимпиада ўйинларига қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

Саломатлик сандиғи

АНОРНИНГ ХОСИЯТИ

Анор ҳақида табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино шундай ёзган эди:

Табиат инъом этган ҳўл мевалар инсон организми учун дори-дармон, даво манбаидир. Халқ табобатида анорнинг пўстлоғи, меваси, мева пўсти ва гули кўк йўтал, ич кетиши каби касалликларни даволашда ишлатилади.

Анорнинг уруғи янчилиб, асал билан аралаштириб истеъмол қилинса, тиш ва қулоқ оғриғига даво бўлади.

Нордон-чучук анор меъданинг яллиғланишига фойда, шунингдек, пешоб ҳайдовчи ҳамдир.

Анорнинг пўстлоғидан тайёрланган дамлама эрталаб қаҳвага қўшиб ичилса, болалардаги гижжаларни ҳайдашга ёрдам беради.

Шу билан бирга уни қон тўхтатувчи (қон тупурганда, милкдан қон кетганда), оғриқ қолдирувчи дори сифатида қўллаш мумкин. Анор мевасининг суви эса иштаҳа очишда қўл келади.

Кўз қичиши ва кўриш қобилиятини яхшилаш учун ширин анор сувини иситиб, қовоқ устига суртилса, кўз қичиши йўқолиб, кўриш қобилияти яхшиланади.

Зулхумор ЎРОЛОВА тайёрлади

Шунақаси ҳам бўлади

«ТРАКТОРЧИ ОТА»НИНГ «ИХТИРОСИ»

«ВАЛИ-2» АЛИ БЎЛДИ

(Воқеа)

Ҳожибой қизиқ ўзбекнинг ўзи қизиқ, ўзидан ҳам сўзи қизиқ, деб бежиз айтмаган. Дарҳақиқат, ажойиб халқмиз. Ҳар куни ҳар қадамда ана шундай кулгига мойил инсонлару ғаройиб воқеаларга дуч келамиз.

Бу — фарзандларга исм қўйиш борасида ҳам ўз тасдиғини топгандек... Кимдир ўз ўғлига бобосининг исмини қўйса, ўзга инсон қизини бувисининг номи билан атайди. Тоға, амаки, хола, амма... Барибир ҳавас яхши-да! Қолаверса, эртанги давомчиларимиз ҳам фарзандларимиз. Чоршанба куни дунёга келса — Чоршанби, жумада — Жумабой, якшанбада — Бозорбой бўлади. Хол ёки нори бўлса — Холбой ва Норбой. Қўлида, оёғида ортиқ бармоғи борми Ортиқ қўйилади. Қизларга Наврўз, Жумагул, Рўзигул, Баҳорой, Норхол, Норгул деган исмлар... Тўртинчи ўғил Чори бўлса, бешинчиси Панжи, олтинчиси Олтибой. Узоқ йиллар фарзанди турмаганлар қизига Турсуной, ўғлига — Турсунбой...

Сизларга сўзлаб бермоқчи бўлган воқеамиз ҳам шунга монанд. Денов туманининг Ислом Тўраев номли ширкат хўжалигида трактрочи Сафар Муродов истиқомат қилади. Ўзиям кўнгли очиқ, одамохун, соддадил инсон. Маҳалладошларига нафи кўп тегади. Кимнинг уйида чироғининг ёнилғиси тугаса, «Сафар трактрочи»нинг уйига «чопар» жўнайди. Айниқса, бугунги кунда электр энергия бот-бот ўчган кезларда Сафар акани безовта қилувчилар кўп. Трактрорда бўлса-ку хўш-хўш, йўқса, у уйидаги чироғининг мойини ҳам бериб юбораверади. Ҳожатбарорлигига қойил...

Алқисса, 1997 йилда трактрочи хонадонида еттинчи фарзанд дунёга келди. «Ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа» — оиладагилар хурсанд.

— Ўша куни гувоҳнома олишга жўнадим, — дейди Сафар Муродов. — Кетар олдидан хотиним «той бола»га — Али деб исм қўйишни бот-бот уқтирди. Идорага энди яқинлашгандим, уч-тўртта трактрочи улфатларимга дуч келдим. «Чор улфат» «оқи»дан «ювдик-ювдик» деб роса отибмиз. Гандираклаб-гандираклаб гувоҳнома ёзиб берадиган «опа»нинг хузурига кирдим. Хотиним Вали деганмиди, Али? Ҳеч хаёлимга келмайди, денг. Фаромушман: ўйлайман, ўйлайман, недирки, катта ўғлимнинг исми ёдимга тушса? Валимиди, Алимиди? Шишадошларимдан ҳам сўраб келдим. Бири у деди, бири бу. Тавакалини ихтиёр айлаб, гувоҳномага «Вали» деб ёздириб олдим.

... Туғруқхонага бориб, хотиндан балога қолдим. Кўргуликни қарангки, катта ўғлимизнинг исми ҳам Вали экан. Энди нима бўлади, деб у зор-зор йиғлайди. Йўли бор хотинжон, дедим бўш келмай. Каттасини «Вали-1», кичигини «Вали-2» деб чақирамиз, вассалом. Гапимни эшитган онаси додлаб юборди. Уйга келсак, раиснинг машинаси кутиб турган экан. Мушкулим осонлашиб, ер ҳайдашга жўнавордим. Раиснинг отасига минг раҳмат, ҳартугул, дийдиёдан қулоқ тинчиди...

Ўн беш кун ўтиб, уйга қайтдим. Бари рисоладагидек. Акаси «Вали-1», укаси «Вали-2» бўлибди. Янги меҳмонни кўргани келганлар ҳам дуппа-дуруст «Вали-2» деб чақиришяпти. Кўнгил сал жойига тушганда қурғур хотин яна эски «запис»ини чайнади: исмини ўзгартирмаса бўлмас эмиш. Эртаси тағин «гувоҳномачи опа»га бордим. Воқеани тушунтирдим. Опа кўнмагандек бўлди: «Сводка» берилган эмиш... Ялиндим, ёлвордим, илтимос қилдим... Хуллас, ахийри, «Вали-2» «Али» деб ёзилди.

...Шу-шу хотиним ўзи туғади, ўзи исм қўяди, ўзи гувоҳнома олади. Мен «ихтирочи»ликдан воз кечдим.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози« мухбири

UZBEKISTAN airways



«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиакомпаниясининг янги қатнови

Икки қўшни давлат — Ўзбекистон ва Қозоғистон пойтахтлари

ТОШКЕНТ — АСТАНА

энди тўғридан-тўғри ҳаво кўприги билан боғланади.

27 мартдан бошлаб замонавий ва қулай «RJ-85» ҳафтада икки марта — якшанба ва пайшанба кунлари мунтазам қатновларни амалга оширишни бошлайди.

P.HY-721/722		P-HY-723/724	
Тошкентдан учиш вақти	— 11.15 (пайшанба)	Тошкентдан учиш вақти	— 07.30 (якшанба)
Астанага келиш вақти	— 15.25	Астанага келиш вақти	— 11.40
Астанадан учиш вақти	— 16.25	Астанадан учиш вақти	— 12.40
Тошкентга келиш вақти	— 16.35	Тошкентга келиш вақти	— 12.50

(Маҳаллий вақт бўйича)

Иккала минтақа аҳолиси «Тошкент» аэропортидан энг кам вақт сарфлаб ва мақбул нархларда исталган йўналишда авиасаёҳатлар учун қулай транзит маскани сифатида фойдаланишлари мумкин.

Қўшимча маълумотларни миллий авиакомпаниянинг Ҳаво алоқалари бош агентлигидан: Тошкент, У.Носир кўчаси, 9-уй, тел.: 56-38-37, 006, шунингдек, миллий авиакомпаниянинг Қозоғистондаги ваколатхонасидан: Алмати, Барбаев кўчаси, 36-уй, тел: (3272) — 600321 олиш мумкин.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» қатновларида Сизлар билан кўришишдан бағоят хурсандмиз!



Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят Кенгаши партиядан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, «Шаҳрисабзконсерва» очиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси

Неъмат Файзуллаевич ИСМОИЛОВнинг

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят Кенгаши биринчи котиби

Жўракул ИСРОИЛОВнинг

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки раҳбарияти ва жамоаси Марказий идораниг бўлим бошлиғи Х.А.Муҳамедовга волидаи муҳтарамаси

Карима ая МУҲАМЕДОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 7 март, душанба куни чиқади

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 254

11400 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O`zA yakuni — 21.30.
Topshirish vaqti — 22.15
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda